

ГУЛИ САЙФУЛЛАЕВА



ЧОРЛОВ



84(54)7

C. 12

Гули Сайфуллаева

ЧОРЛОВ

ш е ъ р л а р



«Turon Zamin Ziyο»
Тошкент — 2013

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Шеърят санъатнинг шундай турики, инсон ҳис-ҳаяжонини ифодалаш учун қогозу қаламга ошно тутинади. Шеър ҳаваси қаламкашнинг ёшига, касбига боғлиқ эмас. Энг муҳими, айтадиган гапи бўлиши шарт. Қўлингиздаги китобча муаллифи Гули Сайфуллаева ҳам бошқа касбда ишлайди. Гулининг болалиги Самарқанднинг сўлим гўшаларидан бири Каттақўрғон шаҳрида ўтган. Касби — муҳандис — программист. У — техника фанлари номзоди. Ижодида ўз касбига ҳос аниқлик, кенг қамровлилик хислатлари намоён бўлади. У катта, залворли фикрларни оддий жумлаларда баён қилар экан, ўқувчисини ўзининг гўзал оламига осонгина олиб кира олади. Мақсади — ўрганган илмлари, ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб инсонларни ҳалол яшашга, иймон-эътиқолли бўлишга даъват этиш аслида. Бинобарин, шоирликни қалб даъвати дейиш мумкин.

Гулининг шеърляти фалсафий маъно чуқурлиги эвазига ўқувчини руҳлантиради, ҳаёт завқу шукухидан баҳраманд бўлишга ундайди. Масалан, унинг "Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик" деган даъвати илоҳий ҳақиқат бўлиб, уни минг йилликлар қаъридан келгани каби долзарблиги билан ҳам буюк чорлов дейиш мумкин. Гули "Тушунча", "Яхшилик", "Кўнглим дарчасидан бир овоз келди", "Фикрларим", "Дилгинам", "Бахт манзиллари" каби қатор шеърларида "Ҳақ йўлни билдим" дея, аввало ўзига, сўнг мухлисларига бирдек муурожаат қилади. Китобхоннинг эса айни дамда айбни ўзгалардан эмас, ўзидан қидириб, тирикликни

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

C-22

Чорлов: шеърлар / Г. Сайфуллаева; сўзбоши муаллифи Гулнора Мирзаева. — Т.: Turon-Zamin-Ziyo, 2013. — 72 бет.

Шеър — ҳикмат, деган гап Шарқда азал-азалдан маълум. Ҳақиқатан ҳам ҳикматли иборалар назм йўси-нида айтилса, одамга руҳий таъсир ўтказadi. Фалса-фий шеърлари билан танилган шоира Гули Сайфул-лаеванинг "Чорлов" тўплами шу жиҳатдан эътиборга молик. Шоира инсон ўз ички оламини покласа, тенг-сиз бахтга сазовор бўлади, қабилидаги фикрларини мисраларига сингдириб юборган. Муҳаббатга садоқат, она табиатга меҳр-муҳаббат, нафосатга ошуфталик туйгулари тараннум қилинган ушбу китоб Сизга ман-зур бўлишидан умидвормиз.



УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-335-20-2

© «Turon-Zamin-Ziyo», 2013 й

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Шеърят санъатнинг шундай турики, инсон ҳис-ҳаяжонини ифодалаш учун қоғозу қаламга ошно тутинади. Шеър ҳаваси қаламкашнинг ёшига, касбига боғлиқ эмас. Энг муҳими, айтадиган гапи бўлиши шарт. Кўлингиздаги китобча муаллифи Гули Сайфуллаева ҳам бошқа касбда ишлайди. Гулининг болалиги Самарқанднинг сўлим гўшаларидан бири Каттакўрғон шаҳрида ўтган. Касби — муҳандис — программист. У — техника фанлари номзоди. Ижодида ўз касбига хос аниқлик, кенг қамровлилик хислатлари намоён бўлади. У катта, залворли фикрларни оддий жумлаларда баён қилар экан, ўқувчисини ўзининг гўзал оламига осонгина олиб кира олади. Мақсади — ўрганган илмлари, ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб инсонларни ҳалол яшашга, иймон-этиқодли бўлишга даъват этиш аслида. Бинобарин, шоирликни қалб даъвати дейиш мумкин.

Гулининг шеъряти фалсафий маъно чуқурлиги эвазига ўқувчини руҳлантиради, ҳаёт завқу шукуҳидан баҳраманд бўлишга ундайди. Масалан, унинг "Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик" деган даъвати илоҳий ҳақиқат бўлиб, уни минг йилликлар қатъидан келгани каби долзарблиги билан ҳам буюк чорлов дейиш мумкин. Гули "Тушунча", "Яхшилик", "Кўнглим дарчасидан бир овоз келди", "Фикрларим", "Дилгинам", "Бахт манзиллари" каби қатор шеърларида "Ҳақ йўлни билдим" дея, аввало ўзига, сўнг мухлисларига бирдек мурожаат қилади. Китобхоннинг эса айни дамда айбни ўзгалардан эмас, ўзидан қидириб, тирикликни

ганимат билиши, икки дунёсини обод қилиш учун масъуллигини, ҳар он, ҳар дақиқанинг имконлигини англаши осон кечади. Сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳақиқат каби фалсафий тушунчалар Гулининг ижодида бош мавзу ҳисобланади. Шоиранинг ўзи бу муаммони етарлича таҳлил қила олиши, қалбидан ҳис этиб, бизга ҳам илиниши яққол намоён бўлиб турибди.

*Яшайлик борлиқни қилиб нурафшон,
Ҳар он, ҳар дақиқа биз учун имкон*

леб ёзар экан, Гулининг доимий кўтаринки кайфиятини, Аллоҳга, ўзига, буюк келажаққа бўлган ишончини ҳис қилиш осон кечади. Гулининг шеърлари насиҳатомуз, аммо, насиҳатдан иборат эмас. У насиҳат қилмайди, ўзи англаб етган ҳақиқатни нафис кўринишларда акс эттиради:

*Гулининг сўзларин насиҳат дема,
Дилида борини шеърга тўкар у.
Унинг тилаклари ҳар қачон эзгу,
Инсонда Инсонни кўрмоқ истар у.*

Биламизки, Куръони Каримда Аллоҳ Одам Атонинг мақомини фаришталардан ҳам юқорига қўяди. Ҳамма фаришталарга Одам алайҳиссаломга сажда қилишни буюради. Худди ана ўша ҳолат Инсоннинг нақадар улугвор яратиқ эканлигини билдиради. Агарда инсон ўз дунёсидаги иллатларни енгиб, юрагини покласа, у бетимсол саодатга эришиши аниқ. Инсонда Инсонни кўриш истаги шу билан изоҳланади, менимча.

*Шукр, кеч бўлса ҳам ҳақ йўлни билдим,
Ғамлар келманг яқин, мен энди бошқа.*

Бу икки мисра шеърда сабаб ва оқибат янада яққолроқ очилади. Лирик қаҳрамон ўз хато-камчиликларидан хулоса чиқариб, Ҳақ йўлга тушади. Демакки, энди у ғам-ташвишлардан мосуво бўлиши тайин. Демакки, ўзини ижобий тарафга ўзгартириш амали руҳий хотиржамликка сабабчи экан. Худди шу нуқтаи назардан қаралганда, Гулининг шеърлари ўқувчини ўйлатади, хаёлга толдиради, ўзини ўнглаб олишига кўмаклашади. Шоира китобини бежиз "Чорлов" деб номламаган.

Ҳозирги даврда ўзбек шеърияти гуллаб-яшнаётгани кўриниб турибди. Ҳар хил усулда ёзадиган шоирлар асарлари маънавий хазинамизни бойитмоқда. Назм чаманида янгидан-янги ифорларга дуч келмоқдамиз. Мен шу шеърят боғида дугонам Гулининг борлигидан хурсандман. Гули Сайфуллаева эзгу ишларга қўл урибди. Биз унга гўзал қалбини очиб, меҳрини шеърга солиб улашиш каби савоб ишларида омад тилаймиз.

Мазкур китобдаги ахлоқий мавзудаги шеърлар барча ёшдаги китобхонларга маъқул тушади, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб шаклланишида кўмаклашади, деган умиддамиз.

Гулнора Мирзаева,
*Ўрта махсус касб-хунар таълими аълочиси,
олий тоифали ўқитувчи*

КЕЛ, ДЎСТИМ, ИСЛОҲНИ ЎЗДАН БОШЛАЙЛИК

Бегарду бенуксон ҳаёт истасак,
Мунгли эмас, қувнок баёт истасак,
Муаммолар ичра нажот истасак,
Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик.

Бахт бизнинг қўлладир, ўзга қўлдас,
Омад йўлимизда, ўзга йўлдас,
Дардга даво бизда, ўнгу сўлдас,
Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик.

Нур тушган еридан синиб қайтади,
Тўти эшитганин такрор айтади,
Меҳр улашсак биз, меҳр қайтади,
Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик.

Куёш тафтин сезса, музлик қаерда,
Ширин тилга қўпол сўзлик қаерда,
Ахтармасак ул хур ўзлик қаерда,
Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик.

Кўнгилнинг баҳори, ёзи бўлакча,
Оз бўлса-да, сўзнинг сози бўлакча,
Ҳақ йўлида ишлар бози бўлакча,
Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик.

Кўзи очик одам ойдин фикрлар,
Яхшиликни истаб қилар зикрлар,
Ҳар не учун дейди Ҳаққа шукрлар,
Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик.

Қимирлаган қирдан ошмоғи бордир,
Ҳаракатга албат баракот ёрдир,
Сепилган уруғнинг унмоғи бордир,
Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик.

Ҳар ишда бизларни бардош сийлагай,
Тўғрини қария ҳам ёш сийлагай,
Бир бошни сийласак, минг бош сийлагай,
Кел, дўстим, ислоҳни ўздан бошлайлик.

Не қилсак доимо Ҳақ учун бўлсин,
Покиза қалб ҳар дам қувончга тўлсин,
Бошлаган ишимиз муборак бўлсин,
Келгин-а, ислоҳни ўздан бошлайлик.

МИНГ БОР ШУКР

Бобо, момолардан мерос ватан учун,
Бахтдан элин кўлида соз ватан учун,
Бағри очик, меҳмоннавоз ватан учун,
Минг бор шукр, яна шукр Ўзингга.

Динимиз ҳам, тилимиз ҳам қайтган бизга,
Мустақиллик эрур шараф элимизга,
Юртга меҳр куч-қувватдир белимизга,
Минг бор шукр, яна шукр Ўзингга.

Кўркам бино-иншоотлар очмоқда юз,
Мадрасаю миноралар узукка кўз,
Гўзаллигин таърифлашга ожиздир сўз,
Минг бор шукр, яна шукр Ўзингга.

Боғларида пишар жаннат мевалари,
Чорлар баланд тоғлар, унсиз шевалари,
Мўъжизадир Фирот отлар, тевалари,
Минг бор шукр, яна шукр Ўзингга.

Ўғил, қизи меҳнатсевар, юзида ой,
Осмонида шамсу қамар Ҳотами Той,
Ерларида ўйнаб оқар дарёю сой,
Минг бор шукр, яна шукр Ўзингга.

Баҳорида турфа кушлар бағрин очиб,
Қайтар совуқ ўлкалардан безиб, қочиб,
Соғинч тўла наволарин ҳар ён сочиб,
Минг бор шукр, яна шукр Ўзингга.

Хизматига шайдир мудом шоҳу гадо,
Боримиз ҳам, йўғимиз ҳам унга фидо,
Бир умрга ошиқдирмиз, бизлар шайдо,
Аллоҳим, беҳисоб шукр Ўзингга.

ТУШУНЧА

Одам — тушунчанинг асири.

Жалолиддин Румий

Инсон тушунчанинг асири экан,
Хаётига унсиз султон тушунча.
Йўлларидадан адаштирар ёинки
Нафс ўкига бўлар қалқон тушунча.

Жарга қулашига турткидир ёки
Мақсади йўлида ғайрат тушунча.
Дунёни кўзига қоронғу айлар
Ё тўғиё килар ҳазрат тушунча.

Фикр бўстонини яшнатса бири,
Бири бегона ўт уруғин сочар.

О, фикрлар, фикрларим,
хаётда сўқмоқлар кўп,
Келинг, сиз ҳам адашмангиз,
сиз-ла мен ҳам бўлай хўб.

Орзуларим қанот қоксин,
елка тутинг уларга,
Одимларим тўғри бўлсин,
сиз сарбонсиз буларга.

Жиловингиз тутай ўзим,
саман отга айланинг,
Довонлардан ошайлик биз,
юксакларга шайланинг.

Сиз кўкда шамс бўлингизким,
гиёҳ бўлиб унай мен,
Лочинларга айланингиз,
қояларга қўнай мен.

Гулига бир умрга дўст бўлинг,
бошин ҳам қилманг,
Эзгуликдан тоғ яратсин,
икки дунё кам қилманг.

ЯХШИЛИК

Манзилингга элтар Фирот — яхшилик,
Орзуларга темир канот — яхшилик,
Яхши, ёмон кунда нажот — яхшилик,
Ундан икки дунёнг обод, азизим.

Яхшилик бўстони парвариш қил,
Яшнаса ул бўстон, албат яшнар дил,
Шодлик ё ғуссани танлаш сендан, бил,
Кайтар дунёда бўлгин шод, азизим.

Яхшиларга ёндошиб юр ҳамиша,
Ёмонлардан нарироқ тур ҳамиша,
Яхшига ёмонлик ётдур ҳамиша,
Ёмонларга яхшилик ёт, азизим.

Яхши сўзинг аямагин инсондан,
Ахир бу иш ташқаримас имкондан,
Ёмон сўз айирар сени иймондан,
Ундай сўзни дарёга от, азизим.

Эртаю кеч Аллоҳнинг зикрида бўл,
Шайтон чалғитолмас, бўлсанг ҳушёр қул,
Қуръонда айтилмиш сен-чун равон йўл,
Йўл танлашда сенсан озод, азизим.

Аммо "озодман" деб, куфрга бокма,
Икки дунёингни оловда ёкма,
Жаннат қолиб, дўзах эшигин қокма,
Оқил бўлсанг, буни қил ёд, азизим.

Вақт дегани учар отдир, тўхтамас,
Тутганмикан ҳеч вақт уни бирор кас,
Тириклик ғанимат, бўлмагин нокас,
Умр ўтиб, дема "Ҳайхот", азизим.

ЖИСМИМ

Йўлларимдан адашиб гар,
 жаҳон кўзимга тор ўлса,
Ақлигим, меҳрибоним,
 йўлимда йўлчироқ — жисмим.
Ўз услубингга дарс бергунг,
 ғафлат уйқусини қувиб,
Қалб кўзига нур улашар
 ўзимдаги яроғ — жисмим.

Манзилимга ҳормай-толмай
 мени элтар Ғиротдирсан,
Қай тарафга юзим бурмай,
 энг яқин ошино — жисмим.
"Кўкларга юксалгин", — дейсан,
 менга икки қанотдирсан,
Фариштамсан, чин дўстимсан,
 май тутар соқие — жисмим.

Бефарқ эмассан умримга,
 жиловини қўлга олгунг,
Ишимдан қўнглинг тўлмаса,
 не савдони бошга солгунг,
Иллатлар домига тортса,
 какшайсан, ўртаниб ёнгунг,
Сабрли, шукрли бўлсам,
 яйрайсан, бахтларга қонгунг.

Ғам юкини сенга ортиб,
 гохо роса хўрлабман-ку,
Истак, хоҳиш, тилаклар деб,
 зўриқтириб зўрлабман-ку,
Кўркув, хавотир, ташвишдек
 душманларни дўст деб билиб,
Сочларингга оқ қўнганин,
 кечир, жоним, кўрмабман-ку.

Ақлим изин кўриқловчи
 ҳеч толмас посбон экансан,
Гуллаб-яшнар боғларига
 миришкор боғбон экансан,
Ўта ростгўй ҳам талабчан,
 хушёрликда ҳеч тенги йўк,
Порлоқ ҳаёт карвонига
 бошловчи — сарбон экансан.

Ниятинг пок эрур мудом,
олий манзилни кўзлайсан,
Узоқни кўрмаса ақл,
бўзлаганингдан бўзлайсан,
Бетоб бўлиб ўз шевангда
Само илмидан сўзлайсан,
Шартларингга хўнмаса гар,
хонумонимни тузлайсан.

Жанг бошлайсан шунда ногоҳ,
мақсадинг ғолиблик эмас,
Аъзоларинг — аскарларинг,
қўлларида қурол — оғриқ.
Ақл кучин ишлатса-ку,
осмонимда ойлар балқир,
Вале сўзингга кўнмаса,
аскарларинг турар чоғлик.

Тилагим шул, ақл кўзи
ҳар сония очик бўлсин,
Тўғри йўлдан тойилмасин,
босган изи нурга тўлсин.
Сенингдек жонкуяр посбон,
"Ақл, тутган йўлинг — рост" деб,
Жангмас, тинчлик майдонида
унинг-ла ўйнасин, кулсин.

Тули масъул соғлигинга,
у сени жуда ҳам суйгай,
Бахт тилсимин калитларин
энди ўз қўлида туйгай.
Хурсандчилик боғларидан
ноз-неъматлар сенга тутиб,
Кўнглинг нени истар эрса,
ул мухайё қилиб қўйгай.

Хушёрлик-ла сенга боқиб,
"Азизим" деб, елканг қоқиб,
Сен-ла гўзал ҳаёт учун
ажиб ишқ қасрини қургай.
Ақл қўлин маҳкам тутиб,
фикрларни ойдин тутиб,
Иншаоллоҳ, умр бўйи
ёрқин ҳаёт гаштин сургай.

КЎНГЛИМНИНГ ЧОРБОҒЛАРИ

Кўнглимнинг гуллаб яшнаган
Бордир ажиб чорбоғлари.
Боғлар осмонида ойлар,
Юзларида йўқ доғлари.

Яхшилик кўчаларидан
Бу боғларга ариқлар бор.
Ёмонлик кўчаси курсин,
Ул боғларни этгуеи хор.

Бир донагина ширин сўз
Боғларга нур ато этгай.
Аммо аччиқ сўз уларни
Не кўйларга солиб кетгай.


Меҳрдан боғ дарахтида
Ширин-шакар мева битгай.
Меҳрсизлик довуллари
Шохларин синдириб кетгай.

Ул боғларнинг кўрикчиси,
Боғбони ҳам, Гули, ўзинг.
Парваришдан яшнаб турса,
Ҳақ олдида ёруғ юзинг.

Иншаоллоҳ, сўлмагайдир
Чорбоғлар, токи сен тирик.
Ҳақ йўлидан адашмасанг,
Кўрмагайсан ҳеч кўргилик.

ДЎСТИМГА

Дўстим, борлигингдан кўксим тоғ эрур,
Сен ёнимда бўлсанг, кўнглим чоғ эрур,
Сен-ла менга чўлу сахро боғ эрур,
Дўстгинам, сен менга жуда кераксан.



Юрак ёниб яшар, албат, дўст билан,
Мардлар довон ошар, албат, дўст билан,
Бахтиёрдир башар, албат, дўст билан,
Дўстгинам, сен менга жуда кераксан.

Сен тунни ёритган тўлин оймидинг,
Жазирама чўлда салқин жоймидинг,
Ташна дил қувончи — тошқин соймидинг?
Дўстгинам, сен менга жуда кераксан.

Оқилсан, дўстликка сени сайладим,
Дўстлик арқонини маҳкам бойладим,
Юрак туб-тубига сени жойладим,
Дўстгинам, сен менга жуда кераксан.

Аразласам агар, мени юпатгил,
Мехрингни исириқ қилиб тутатгил,
Кай ҳолда бўлсам ҳам, сени кўмсар дил,
Дўстгинам, сен менга жуда кераксан.

Йироқ кетсанг, юрак-бағрим бўлар қон,
Сен келсанг, руҳ тетик, танам узра жон,
Сен-ла ўн еттида ёшим ҳар қачон,
Дўстгинам, сен менга жуда кераксан.

Жон дўстинг бошқаю, мол дўстинг бошқа,
Мол дўст бир кун бошинг тегирар тошга,
Мен сени "жон" дея, кўтардим бошга,
Дўстгинам, сен менга жуда кераксан.

Келгил, кўл тутайлик ҳар бир инсонга,
Барчасини чорлаб ёруғ жаҳонга,
Олам эли келсин омон-омонга,
Эй дўстим, Гулига жуда кераксан.

ИЛМИНГ АСРАМА

Илмингни асрама, занг босиб қолар,
Занг босса, ҳатто темир емирилар.
Оқар сув ҳам, билсанг, покиза бўлар,
Турғун сувдан не наф, уни ким билар.

Бор илмларингнинг эгаси Ҳақдир,
Йўлида сарфлагин унинг неъматин.
Ҳаёт айланишда, у мисли чархдир,
Олганни беришда унинг ҳикмати.

Тўпланган илмлар эрур дуру зар,
Лойик меросхўрни топсанг сен агар.
Тошлоққа оққан сув нени келтирар?
Зар қадрини билур, албатта, заргар.

Қарға ҳеч жаҳонда булбул бўларму?
Бегона ўт ҳеч вақт сунбул бўларму?
Сайқал берилса, мис олтин бўларму?
Зое кетган вақтдан кўнгил тўларму?

Судралувчи билмас учиш рохатин,
Кушларнинг парвозда ҳаёт лаззати.
Дон ҳам ҳар хил ерда унавермайди,
Унган дон, парвозда, дўстим, иззатинг.

"Чинга бориб бўлса ҳам илм ўрган",
Дея пайғамбар ҳам айлаган ҳитоб.
Илм ўрганиш - фарз, ўргатиш - савоб,
Жон дўстим, бу йўлда айлайлик шитоб.

Хакнинг ўзи бизга ҳар вақт ёр бўлсин,
Илм аҳли олам ичра бор бўлсин.
Йўқ бўлсин жаҳолат, йўқ бўлсин зулмат,
Аларга бу ёруғ олам тор бўлсин.

СЕНИ ИЗЛАБ

Дилда борим, танҳодирсан,
Кўрганларим рўёдир.
Ҳақиқат — сенинг ўзингсан,
Ишқингда жон куёдир.

Сени излаб ўнгу сўлдан,
Ўртангум шому сахар.
"Ётдим" дея қўл узатсам,
Топганим бўлгай заҳар.

Сендан хабар илинжида
Хар сасга кулоқ тутгум.
Хаёлларинг оғушида
Ўзни бутгул унутгум.

Гулзордаги гулга боқгум,
Кўрмоқ истаб юзингни.
Ой ила қуёшга боқгум,
Истаб қошу кўзингни.

Улуғлигинг хаёлида
Тоғларга қараб юргум.
Гўзаллигинг кўрмоқ истаб,
Боғларга юзим бургум.

Бор вужудим сени излар,
Хис-туйғулар жам бўлиб.
Юлдузлардан сўроқлайман,
Жимирлашади кулиб.

Раҳм айла мен бечорага,
Адойи тамом бўлдим.
Бу дунёнинг ишларидан
Минг тирилиб, минг ўлдим.

Гули ноумид бўлмағай,
Истаги — васлинг сенинг.
Гарчи ул беор тиканлар
Тўссалар йўлин анинг.

Соқиё, куйгин майингни,
Май деб борим урар бонг.
Мастона бўлиб ул Ёрга
Етишсам магар, не тонг.

КЎНГЛИМ ДАРЧАСИДАН БИР ОВОЗ КЕЛДИ

Фикр ойнасига назар солиб мен,
Поклаган эдимки гарддан батамом.
Кўнглим дарчасидан бир овоз келди:
"Энди кўзлар очик, олға, вассалом".

Боз яна овозлар эшитдим нохос,
"Ким?", - десам, "Мақсадлар", — дея сас келди.
"Не истайсиз?", — дедим, шунда улардан
Бир қанча ўтитлар басма-бас келди.

"Хаётингта маъно — бизлар", — дейишди,
"Дардларингта даво — бизлар", — дейишди.
"Борлигинг бўшлигин нурга тўлдиарар
Офтобу оймомо — бизлар", — дейишди.

"Бизга етмоқ сенга осондан — осон,
Гар биз сен интилган олисда маёқ.
Қўрқуву гумонлар жавобин берсанг,
Бошингда синмагай бу йўлда таёқ.

Сенинг дўстинг бордир "Катъият" отлик,
Кўкка парвоз қилсанг, у сенга қанот.
Довонлардан ошсанг, мингазиб сени
Бизлар томон бошлар толмас Ғирот от.

Омадсизлик йўқдир аслида ўзи,
Хаёлдан ўчиргин унинг номин сен.
Бизни фикрда тут, бизлар яқинмиз,
Десанг агар ҳар вақт "Омадлиман мен"

Тўсиқлар учраса, айбдор излама,
Бизга келар йўллар бисёр, азизим.
Юракка қулоқ тут, топа олмассан
Ундан-да чин сўзли ҳамкор, азизим.

Биз мақсадлар ичра бор олий мақсад,
Қолганимиз унга етишда нарвон.
"Олам-чун наф ишлар қилиш"дир номи,
Ўтиб кетмасидан умрдек карвон.

Сен уни деганда бутун Коинот
Ёрдам қўлин чўзар сенга шул замон.
Эй покдомон инсон, Ҳаққа етишиб,
Олам тургунича бўлгин сен омон".

БАХТ МАНЗИЛЛАРИ

Дилгинам, осмонинг мусаффо кўрай,
Уни қопламасин заррача булут.
Ўтмишнинг суронли шамолларин тўс,
Бор гина-андухни айлаб сен унут.

Хафачилик отлик тошни елкангдан
Итқитгину, бир дам енгил нафас ол.
Ўзинг ва бошқани кечир, қадаминг
"Озодлик" аталмиш бир дунёга сол.

У шундай дунёки, шиори севги,
Шартсиз муҳаббату меҳр-шафоат.
Ҳар неки истасанг, муҳайё унда,
Агар борига сен қилсанг қаноат.

Орзу Фиротлари шай унда мудом,
Элтар манзиллари бахту саодат.
Танлагин Фиротни, армонинг қолмас,
Ёр бўлса, бас, сенга аҳду шижоат.

Манзилларда йўллар бисёр, азизим,
Бйри шодлик, роҳат-фароғат йўли.
Бошқаси муҳаббат, барака, омад,
Муваффақияту даромад йўли.

Муборакбод этар сени Коинот
Янги дунёингнинг бўсағасида.
Қўркмасдан, ишонч-ла қадам қўй, **жоним**,
Турибсан сен унинг рўпарасида.

БЎЛМАСА

Баракот бўлгайму экинзорларда,
Аларга йўл топар сойлар бўлмаса?
Йўллар кўрингайму манзилга элтар,
Ақл осмонида ойлар бўлмаса?

Ҳалво деган билан оғиз чучирму,
Ҳалводек неъматдан дарак бўлмаса?
Ёрнинг висолига етиб бўлурму,
Анинг йўлида жон ҳалак бўлмаса?

Денгиздан дур, маржон олиб бўлурму,
Магар бул иш учун ғаввос бўлмаса?
Яхшилиқ дарахтин экиб бўлурму,
Фикр чехрасида пардоз бўлмаса?

Қушлар кенгликларда парвоз қилурму,
Парвоз-чун аларга қанот бўлмаса?
Орзу қалъасига етиб бўлурму,
Метиндек матонат — сабот бўлмаса?

Сабабга бойланмиш дунёнинг иши,
Оқибат қаерда, сабаб бўлмаса?
Баъзида гул қадрин билиб бўлурму,
Гулшан ичра ул ўт-алаф бўлмаса?

МУАЛЛИМ

Ожиз кўзни очмоқ осон иш эмас,
Муаллим бу ишда ёзу қиш демас.
Меҳнати-чун дунё сўрамайди, йўқ,
Очиқ кўзни кўрса, шунинг ўзи бас.

Навнихолга гўё тиргақдир ўзи,
Тилсимлар қулфини очади сўзи,
Мудроқ калбга зиё сочади сўзи,
Унинг ўтитига тенг келмас ҳеч сас.

Шогирдлар карвонин сарбонидир у,
Ақл бўстонининг боғбонидир у,
Миннатдор дилларнинг достонидир у,
У сабаб зафарга ошно бўлар кас.

Ундан ҳаётимиз чечак, гуллари,
Бахт водийси сари элтар йўллари,
Нурларга йўғрилган ўнгу сўллари,
Қўлларин чўзганда осмон бўлар паст.

"Чукур таъзим сизга, эй жаннатмакон,
Башар осмонида офтоби жахон,
Оллох рози бўлсин сиздан ҳар қачон",
Миннатдор қалблардан келар шундай сас.

ОДАМ БОРКИ...

Одам борки, иймони ўзи билан,
Инсонларнинг кўнглини тоғ этади.
Одам борки, шайтоннинг сўзи билан
Иймон сотиб, дилни сиёҳ этади.

Одам борки, айтса, қайтмас сўзидан,
Лафз қилдими, югуртирмас изидан.
Одам борки, иши фарқли сўзидан,
Кечмайди ҳеч ёлғон-яшиқ сўзидан.

Одам борки, дейсиз гўё фаришта,
Поклик чаманида очилган бир гул.
Одам борки, эсиз, эсиз, ҳар ишда
Нафсига кул бўлиб қолгандир буткул.

Одам борки, мисли шамга парвона,
Иши тушса, салом берар сояга.
Иши битгач, тополмассан гирёна
Назар солсанг, чиқиб ҳатто қояга.

Одам борки, кадамида унар боғ,
Хак йўлида эрта-кеч жавлон урар.
Одам борки, мужмал, лоқайддир ҳар чоғ
Дангасалик ботқоғида ўй сураб.

Истагим — ҳар инсон бир марди майдон
Бўлса-ю, ёнида номард бўлмаса.
Мардлар изи қолса майдонда ҳар он,
Кўнгил гулшанида гуллар сўлмаса.

ОЧИҚ КЎЗЛАР ИЛА ЯШАБ ЎТАЙЛИК

Дўстим, тирикликдек неъмат ғанимат,
Ҳар он, ҳар дақиқа, соат ғанимат.
Ҳақнинг розилигин олишга шошил,
Унинг йўлларида журъат ғанимат.

Зулматни ўзингдан итқитиб тайла,
Ғафлат деган ёвнинг йўлини бойла.
Бугун кўзингни оч, эрта кеч бўлар,
Яхши амалларга ўзингни шайла.

Бу дунёдек қўҳна карвонсаройга
Карвонлар бир бора келиб кетади.
Бирларин номларин асрлар саклар,
Бирлари кўр бўлиб ўтиб кетади.

Номардлик боткоғин ин тутиб бири,
Ноҳақликни ўзга дастак тутати.
Мардлик водийсида от суриб бири,
Ҳақиқат йўлида қонлар ютади.

Ҳақнинг адолатин билмайди бири,
Арпа экиб, бўғдой кутиб туради.
Нурни истайди-ю, уни кўрмайди,
Чун зулмат тарафга юзин буради.

Бири бировларнинг қонига ташна,
Казиган чоҳига ўзи қулайди.
Бўри ҳам қиларкан қўйларга ҳамла,
Чўпон ўқи уни қонга булайди.

Молу дунё йиғар яна бирови,
Беш кунлик дунёга ҳирс қўйиб яшар.
Биров дунё молин сўнгги манзилга
Орқалаб кетганин кўрганму башар?

Кўрликнинг манзили - ёмон оқибат,
Юрт кезсанг, топасан ибрат-аломат.
Жаҳолат панжаси кўзини тутган
Қайси қавм қолибди омон-саломат?

Жаҳолатдан Аллоҳ ўзи асрасин,
Очиқ кўзлар ила яшаб ўтайлик.
Маҳшар куни Унга ёруғ юз билан
Яхши амалларни тухфа тутайлик.

ИЛТИЖО

Аллоҳим, беҳисоб, чексиз
Бўлсин Сенга ҳамду сано.
Буюк чеварлик-ла қилган
Хар бир ишингга тасанно.

Ёлғиз Ўзингга сиғиндим,
Дўст йўқ, вафолироқ Сендан.
Хаётимда ҳеч сония
Четда қолмас нигоҳингдан.

Раҳмли, меҳрибондирсан,
Йўлингдан тойсам, қўймайсан.
"Кўзингни оч, бандам" дея,
Ишораларинг йўллайсан.

Душманлар пайдо бўлса гар,
Бир ишоранг деб билгайман.
Йўлларимда тўсиқ кўрсам,
Яна бирига йўйгайман.

Мен бир ожиз бандангдирман,
Рахнамолигингга мухтож.
Сен кўрсатган йўлдан юрсам,
Шул эрур бошимдаги тож.

Нолимайман, не бўлса ҳам,
Тирикликнинг ўзи бир бахт.
"Борим-йўғимга шукр" деб
Яшамоқ мен-чун баланд тахт.

Орзулардан умидим кўп,
Ноумид бир шайтон экан.
Менга қийин бўлган ишлар
Сенга жуда осон экан.

Тилакларим бер, Аллоҳим,
Илтижоим қабул айла.
Қай бирларин бермакликни
Ўзингга этдим ҳавола.

Куч-қувват бер, то жоним бор,
Савоб ишларга юз тутай.
Ёруғ юз, иймон ила мен
Синоатларингдан ўтай.

Эзгуликлар келтиргувчи
Ишлар хузур, машаққатмас.
Яхшиликка умрим тикдим,
Сен мендан рози бўлсанг, бас.

БОБОЖОН

*Бобом Сайфулло Нарзуллаевнинг
ёрқин хотираларига бағишлайман.*

Ёдингиз иситар жисму жонимни,
Исмингиз ёритар хонумонимни,
Эсласам сиз-ла ўтган ҳар онимни,
Ботмас куёшимсиз менинг, бобожон.

Сиз-ла ўтган дамлар шириндан ширин,
Йиллар аро ташлаб юргум кўз қирин,
Башорат билдим мен сўзингиз барин,
Навқирон ёшимсиз менинг, бобожон.

Дунём осмонида сиз ой эдингиз,
Меҳри қайнар булоқ ҳам сой эдингиз,
Донишманд, ақлга бир бой эдингиз,
Дили оташимсиз менинг, бобожон.

Дуолар қилдингиз, дарё, қўл бўлди,
Меҳрингиз умримга нурли йўл бўлди,
Ўгитингиз порлоқ ўнгу сўл бўлди,
Кўзиму қошимсиз менинг, бобожон.

Хакнинг марҳамати эдингиз, бобом,
"Бу – менинг жоним" дер эдингиз мудом,
Эзгуликлар қолди сиздан, яхши ном,
Рухий сирдошимсиз менинг, бобожон.

Бир тола тўқдирмай бахтим сочини,
Тўладингиз ойдин ҳаёт божини,
Тилайман сизга мен беҳишт тожини,
Мангу йўлдошимсиз менинг, бобожон.

Кўрганми ҳеч дунё сиздек бобони,
Таърифга сўз ожиз, дилга орони,
Барчага меҳрибон, нурли сиймони,
Умрим наҳорисиз менинг, бобожон.

Аллоҳ берсин сизга обод охират,
Муносибдир сизга аъло оқибат,
Маконингиз бўлсин энг гўзал жаннат,
Дилим баҳорисиз абад, бобожон.

БАХТИМ МЕНИНГ

Юзим бурмай қалбгинамнинг сўроғидан,
Тортиб қўйсам нафс деганнинг қулоғидан,
Қониб ичсам шукроналик булоғидан,
Шул замондир яраклаган бахтим менинг.

Дарди борга шифо, зиё, малҳам бўлай,
Кўнгил уйин яшнатгувчи гулхан бўлай,
Хур ватанда дўстлар билан ўйнаб-кулай,
Деган бордир қарориму аҳдим менинг.

Тойилмасдан юрсам мудом Йўлларида,
Ҳеч тутмасам ноҳақликнинг қўлларидан,
Кўрсам зиё машаққатнинг чўлларида,
Шунда эрур баланд, равон тахтим менинг.

Йўлим яқин-йироқлигин билолмайман,
Вақт Фиротин жиловини тутолмайман,
Белинг бойла, сени узоқ қутолмайман,
Эзгу ишта шошгин мудом, шахдим менинг.

НОЛИМА

Сенга ёруғлик бахш этган
Кунларингдан нолима.
Ором олишинг-чун тушган
Тунларингдан нолима.

Нолимагин атрофингдан,
У — кўзгу, ёлғон билмас.
Агар юзинг қийшиқ бўлса,
Кўзгу ҳеч айбдор эмас.

Ишларингдан нолимагин,
Не гап бўлса, ўзингда.
Улар мисоли бир қайиқ,
Эшкаги ўз қўлингда.

Ғафлатда бўлсанг агар сен,
Дема "Боқ аҳволима".
Ҳақни топ, лек ул адашган
Чоғларингдан нолима.

ЎТМИШИНГ ХАЁЛДА ҚАЙТА ЯШАБ ЎТ

Кўрмоқ бўлсанг, эй дил, дардни қувилган,
Бугунги кунингни бахтта чўмилган,
Елканг босган юкни ерга кўмилган,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Бугун аклинг пеша, ортдадир ғўрлик,
Ярқираб пешонанг кўрмасин шўрлик,
Даф бўлсин десанг гар балолар турлик,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Кўнгилда қолмасин заррачайин доғ,
Хаётинг чорбоғи яшнасин ҳар чоғ,
Маънавий соғлиғинг жисминг тутар соғ,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Ўтган умринг кўча, сўқмоқларин кўр,
Қай манзилда кўрдинг қалбинг кўзин кўр,
Қай бурчакда ғафлат ташлаганкан тўр?
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Кимлар учун бўлдинг балки дилозор,
Ё, сенингча, кимдан кўрдинг сен озор,
Қай гўшасин умринг айладинг бозор?
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Ё қачонлар кўрдинг кўнгилни хира,
Ўзлигу ўзгадан кечирим сўра,
Барчани кечир, кин сақлама сира,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Рашк ўтига балким ўтин бўлгансан,
Ғазаб қилиб кимга тутун бўлгансан,
Нафрат кемириб ё "бутун" бўлгансан?
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Нафсга қул бўлдингми ёки бирор бор,
Неча бор ўзлигинг айладинг сен хор,
Яна қай иллатни этган эдинг ёр?
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Сен шундай яшаки, душманни кўр дўст,
Айбдор қидиришдан ўзгинангни тўс,

Оқибатни кўргин бекаму бекўст,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Сабабни ўздан топ шимарибон енг,
Оқибат сабабсиз кулоч очмас кенг,
Ҳақнинг иноятин туйгин ҳар вақт сен,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Ҳар оғир вазият - Ҳаёт сабоғи,
Ҳақ йўлни кўрсатмоқ - Унинг қароғи,
Мушкуллик Унинг-чун - табиб яроғи,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Асли тўғрилиқдан хабардор бўлсанг,
Ҳеч сабоқ қилмагай сенинг ҳолинг танг,
Фикр дасттоҳига қўнган бўлса занг,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Мақсадинг покланиш бўлсин ушбу дам,
Ҳар неки кўрсанг ҳам рози бўл у дам,
Ҳар ишда Ҳақ ўзи энг олий ҳакам,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Кўнгилни кенг қилсанг, оғушда дунё,
Фақат очиқ кўзлар кўрарлар зиё,
Парвозлар қилурсан лочиндек гўё,
Ўтмишинг хаёлда қайта яшаб ўт.

Шунда ҳаёт шамси порлагай абад,
Яшнар бўстониға бўлмағай адал,
Мақсадинг ўқлари нишонда фақат,
Ўтмишинг кўп бора гўзал яшаб ўт.

О ФИКРЛАРИМ

Кўнглимнинг кўзига говмучча бўлманг,
Сиз унга нур бўлинг, о фикрларим.
Юрак ўчоғига сувлар пуркаманг,
Чўғлару қўр бўлинг, о фикрларим.

"Чарчадинг" деб асло бошим силаманг,
Ёруғ келажакка мени чорланг сиз.
Вақт отининг ахир жилови йўқдир,
Қўлимдан етаклаб мени ҳорманг сиз.

Ҳаётим осмонин офтоби бўлинг,
Мақсадларим сари - йўлчи юлдузим.
Айтилган гап дерлар отилган ўқдир,
Етти ўлчаб тузинг айтар ҳар сўзим.

Беҳуда ўтмасин ўткинчи умрим,
Айлансин зиёға, оби ҳаётга.
О ёруғ фикрлар, вақт-ла беллашсам,
Муҳтожман сиз каби темир қанотга.

Кўрқувни қувингиз сафингиздан сиз,
Сизга ҳам, менга ҳам Парвардигор ёр.
Ахир муҳаббатдан яралганмиз биз,
Кўрқувни хушламас муҳаббат зинҳор.

Буюриш сиздандир, бажариш биздан,
Фақат даъват бўлсин эзгу ишларга.
Баҳор бўлиб абад яшнаб юрайлик,
Айланмай иссиқ ёз, совуқ кишларга.

АСЛИНГНИ ТОП

Дунё кўчасида, эй дил,
Хайронликда колибсан.
Бир азиз бошингга не-не
Савдоларни солибсан.

Ясамага айланибсан,
Излаб дунёвий гавҳар.
Сен туғилиб, нур таратган
Қайда қолди-я жавҳар.

Аслингни топгин, азизим,
Холисдир у гардлардан.
Дунёвий ҳис-туйғулару
Орзу деган дардлардан.

"Орзуда айб йўк" демишлар,
Йўк бўлса, йўқдир, биров

Орзуинг юз тубан қилса,
Рух кушингта сен бир боқ.

Ул куш мудом кўкка тортар,
Орзудек нафс тубанга.
Иккиси келишолмаса,
Нархинг сенинг бир танга.

Аслида қимматинг баланд,
Дурсан азалдан-азал.
Яратган бор махлуқотдан
Сени қилган-ку афзал.

Кўзингни оч, оч кўзингни,
Чақага сотма ўзинг.
Зотингта лойиқ бўлгин-а,
Дема "Сафсата сўзинг".

Эй беназир лутф Соҳиби,
Соҳиби файзу карам,
Ноумид бўлмагум ҳеч ҳам,
Сенинг лутфинг истарам.

Истарам, бир куни ҳар дил
Аслин топиб, қолсин лол.
Айрилмасин ул жавҳардан,
Сен Ўзинг ёр бўлиб қол.

ОНАЖОН

Хотирамда гўдакликдан кўп суврат,
Бордир унда ҳатто чақалоклик вақт,
Лекин менинг учун асил тожу тахт,
Онажоним, фақат сиз йўқ у ерда.

Ақлингиздан мушкуллар осон экан,
Жамолингиз тилларда дoston экан,
Ҳотамлигингиз мисли осмон экан,
Онажон, учрашув энди маҳшарда.

Сиз кўл чўзиб, етолмаган ойимсиз,
Орзуларда қолиб кетган тойимсиз,
Борлиғимда оғриқ қолган жойимсиз,
Онажон, учрашув энди маҳшарда.

Тутганимни билмаган куш бўлдингиз,
Эсгинамда қолмаган хуш бўлдингиз,
Ҳеч вақт рўёб бўлмаган туш бўлдингиз,
Онажон, учрашув энди маҳшарда.

Сизсиз қолиб кўнглим ярим бўлибди,
Онасиз кўнгиллар қачон тўлибди,
Шоҳидан узилса гул ҳам сўлибди,
Онажон, учрашув энди маҳшарда.

Бу тор пешонамга сизгабсиз, нетай?
Бошим тошларгами уриб ман кетай,
Тополмасман сизни минг фарёд этай,
Онажон, учрашув энди маҳшарда.

Тули кизингизнинг охида тутун,
Бу дунёда борми бир бағри бутун,
Кайноқ бағрингизни кўрай ўшал кун,
Онажон, учрашув энди маҳшарда.

Хакнинг ҳукми экан, иложим қанча,
Қисматимга кўндим бошим эгганча,
Рухингиз шод этай умрим етганча,
Онажон, кўришув рўзи маҳшарда.

БАҲОР

Бу кун байрамларга байрам уланар,
Чунки гўзал баҳор биз-ла юзма-юз.
Чехраларда баҳор, дилларда баҳор,
Демак ишларда ҳам, улар юздир юз.

Яшнаб бизни чорлар боғлар, бўстонлар,
Кирлару адирлар ҳуснга тўлиб.
Ниғоҳинг тортади ҳар майса, гиёҳ,
Ҳар шоҳу ҳар дарахт ораста бўлиб.

Дўстлар дийдор йўқлар энтикиб, тошиб,
Энди улфатларга тўлар чойхона.
Тўйлар ҳам тўйларга уланар энди,
Энди меҳмонларни кутар тўйхона.

Бобо деҳқон ерга уруғ сочади,
Элнинг ризқи-рўзи бут бўлсин, дейди.
Қуёш заррин нурин кўкдан ҳамоҳанг
Сочаверар, уруғ, дон унсин, дейди.

Дарёю ариқлар сувга тўлади,
Барчасининг дарди - элнинг хирмони.
Ерларнинг ҳам яшнаб бахти кулади,
Ахир сув дегани - уларнинг қони.

Унут бўлар эски гина-андухлар,
Борлиқ янгиланар, туғилар ахир.
Вақт отида баҳор мардона турар,
Ўтмишнинг ҳукмини қолдириб сағир.

Истагим — баҳорнинг кўрк-таровати
Ўрнашсин қалбларга бир муҳр бўлиб.
Ундай қалб-ла инсон ҳар лаҳза, ҳар вақт
Юргай фақат-фақат бахтларга тўлиб.

ЁР КЕЛАЁТИР

Бугун ўзгачадир олам,
Хусн очди боғлар бирам,
Кувнаб шивирлар еллар ҳам:
"Суюкли ёр келаётир".

Дардларга қўйилди малҳам,
Хаплиқади юраккинам,
Кўйида этиб Шохсанам,
Фариби зор келаётир.

Йўлга қараб кўзлар толди,
Соғинчлар бағрига олди,
Ўйлар не кўйларга солди,
Сўзлари бол келаётир.

Диллардан қувиб губорни,
Тухфа айлабон висолни,
Хуррам айлаб унга зорни,
Кўзи хумор келаётир.

Поёндоз тўшай йўлига,
Гулдаста тутай қўлига,
Бу жоним садқа бўйига,
Меҳри бисёр келаётир.

Келса, кела қолсин ёрим,
Чертайлик бахтимиз торин,
Кувайлик армоннинг борин,
Чин вафодор келаётир.

Даври давронларни суриб,
Қалбларимиз нурга тўлиб,
Яшайлик-да ўйнаб-кулиб,
Дилимда бор келаётир.

Айрилиқнинг оти ўчсин,
Муҳаббатдан йироқ кетсин,
Ошиққа ёр насиб этсин,
Аҳдида бор келаётир.

ВАТАНИМ МЕНИНГ

Ватаним менинг, эй дўстлар,
Бир диёрки, жаннатмакон.
Қиёси йўқ дурдона у,
Мўъжизалари бир жаҳон.

Далалари товланади,
Улуғвор, кўркем тоғлари.
Кўзларингни яшнатади
Чаманларию боғлари.

Водийлари, яйловларин
Кезсанг агар завқинг ошар.
Таърифлашга тил ожиздир,
Чиройлари кўнглинг очар.

Ариқларида зилол сув
Куёш-ла ўйнашиб оқар.
Булбулларининг сайраши
Бирам завқли, дилга ёқар.

Нафис, гўзал капалаклар
Хуснини кўз-кўз қиладир.
Гулларга кўниб яйраши
Шукроналик тимсолидир.

Мазали буғдой нонлари,
Есанг доим юрасан тўқ.
Жаннат гули — райхонларин
Ифорлари оламда йўқ.

Ковун, тарвуз, меваларин
Ширинлигига сўз йўқдир.
Бозорларин бир айлансанг,
Йўқ нарсанинг ўзи йўқдир.

Дехқонлари саховатли,
Туганмас бойлик — ерлари.
"Хирмонингга барака", — деб,
Сочилгай куёш нурлари.

Хофизлари кўшиқ айтар
Ширали, хуш овоз билан.
Комилжондек устозларнинг
Номин эслар эъзоз билан.

Кўрганлар маҳлиё бўлиб,
Айтишади тасаннолар.
Хиром айлаб рақс тушганда
Бетакрор Мукаррамалар.

Самарқанду Бухороси
Мозийдан беради хабар.
"Бир кўрсам" деб, ошиққанлар
Машрикдан то мағриб қадар.

Ундан йироқ кетсанг, қўмсаб,
Қалбинг тошар, соғинасан.
"Ўзбекистоним менинг" деб,
Яна унга ошиқасан.

Айтаверсам борлиқларин,
Чеки йўқ, кети узилмас.
Гулига шу хур ўлкадан
Азизроқ бир макон бўлмас.

ЯШИРИН ДУШМАН

Ютуқларинг айтсанг, биров қувонар,
Биров кўзи ерга тикилар шу он.
Яширин бир душман ул бечорани
Тутқун қилганлигин кўз қилар баён.

Кўзлар пинҳон тутмас ҳеч қандай сирни,
Ички дунёлари инсон кўзида.
Мисоли сувдаги пуфак бир мудом
Калқиб турганидай унинг юзида.

Инсон қадамида имтиҳон бисёр,
Ёпиқ душманларни фош қилар улар.
Синовларда тоблаб ва чиниқтириб,
Рухни унга кўзу қош қилар улар.

Сенинг ютуғинг ҳам кимга имтиҳон,
Чиғириқ тутаркан ҳасад бобида.
Ковжираб қоларкан ҳасадгўй кимса
Ўшал ютуқларнинг тик офтобида.

Билмайди, ҳасад ўт, кўзга кўринмас,
Куйдиради унинг дунёларини.
Боққанда дунёга ғилай кўз билан,
Чин кўрганда ҳар вақт рўёларини.

Илоҳим, калб кўзлар ғилай бўлмасин,
Кенглик тор ўлмасин унинг касридан.
Ҳасаднинг кўлини ҳеч ким тутмасин,
Узоқ-узоқларга кетиб аслидан.

Дунё жуда ҳам кенг, неъматлар бисёр,
Ҳар ким насибаси Ҳақнинг кўлида.
Бергувчи ҳам Удир, олгувчи ҳам У,
Қоқилмайлик умр, синов йўлида.

ЙЎЛЛАР

Умрнинг ҳар они мисли чорраҳа,
Ҳар тарафга йўллар кетади ундан.
Йўллар эса турфа: тўғрию қийшиқ,
Адашсанг, кунларинг фарқ қилмас тундан.

Йўлларинг бошланар фикру зикрингдан,
Яхшими ё ёмон қилган ишингдан.
Улар сабаб топган ёки орттирган
Эзгуликларинг-гу ё ташвишингдан.

Қадимдан қадимдир бу йўллар, йўллар,
Ҳар бирларин элтар манзиллари тах.
Манзиллардан яна йўллар кўринар,
Яна қанча манзил, қанча йўллар, ваҳ.

Боболар, момолар юриб улардан,
Ёруғликка чикқан толмай ё толиб.
Кай бирлари эса армонда қолган,
Кўзлаган манзилга етолмай қолиб.

Сенга ўртак бўлсин-чун кўҳна дунё
Асраб-авайлаб кўз қарокларида.
Аждодлар йўлларин муҳраб қўйган
Тарихнинг зебу зар варақларида.

Интилиб яқин ё йироқ манзилга,
Унга элтар йўлни қисқарт, эй одам.
Ҳақнинг ризолигин топсанг ҳамиша
Олис-олисларинг бўлгай бир кадам.

САБАБ – БИЗЛАРМИЗ

Денгизнинг тақдири дарё биландир,
Чаманнинг яшнаши сувга пайваста.
Айтинг-чи, азизлар, кўрганмисиз ҳеч
Асоссиз қору ҳол қай ер, қай касда?

Ойдан-да ёруғроқ бўлса фикрлар,
Болдан-да ширинроқ сўзларимиз ҳам.
Қувончу шодликлар эшик қоқади,
Омад елкамиздан қучади ўктам.

Шукроналик ўрнин қопласа нолиш,
Ғам-ғуссага ботмоқ бўлса ишимиз,
Улар ҳам ҳосилин беради сўзсиз,
Ахир ичимизнинг акси ташимиз.

Дунё тарозисин номи Адолат,
Оқибат ҳамиша унинг қўлида.
Пайқаймизми ё йўқ, сабаб — бизлармиз,
Гоҳ уйғоқ, гоҳ мудроқ умр йўлида.

ЭЙ НОЛИБ ЯШАШНИ КАСБ ҚИЛГАН ИНСОН

Доим нолиб юрадиган баъзи одамларга

Эй нолиб яшашни касб қилган инсон,
Ғафлат уйқусидан турсанг бўлмасми?
Тириклик лаззатин тотиб яшасанг,
Ўзалликлар сени қуршаб олмасми?

"Берганига шукр беҳисоб " десанг,
Чор атрофдан нозу неъмат келмасми?
Торга тор, кенга кенг мўъжиза дунё,
Сен яйрасанг, олам сенга кулмасми?

Нолишларинг ёққан олов кул қилган
Ширин жонинг сенга омонатмасми?
Ул шўрликка бунча жафо етказмоқ
Ўшал омонатга хиёнатмасми?

Қалбинг эшигини очсанг қувончга,
Хижронларни сендан йироқ сурмасми?
Ғанимат ҳар оннинг қадрини билсанг,
Армонларинг сендан юзин бурмасми?

Зимистон қаърида ёруғлик кўрсанг,
Шодлик қўлларингдан келиб тутмасми?
Келар ҳар кунингни жилмайиб қутсанг,
Йўлларингда бахту омад кутмасми?

Айбни ўзгаданмас, ўздан қидириб,
Нуксонлардан кечиш тожу-тахтмасми?
Яхшиликни кўриб, ҳис қилиб яшаш
Одам боласига катта бахтмасми?

ДИЛГИНАМ

Эй дилгинам, шахло кўзинг,
кипригингда нам нечун?
Бу дунёнинг айвонида
сенга шунча ғам нечун?
Қувноқлигинг қайга кетди,
қайга кетди шўхлигинг?
Хорғин юзингда сўроқ бор:
"Бу дунё бир кам нечун?"

Дунё, жоним, бир кам эмас,
унинг Зоти пок асли,
Раво кўргай сенга қишмас,
яшнаган баҳор фаслин.
Фикру зикринг, ишларингни
адолат-ла ўлчагай,
Тарозисин тоши тўғри тарозибондир асли.

Хаётдаги вазиятлар икки турдан иборат,
Бири — Ҳақдан мукофотдир,
бири — дарсу синоат.
Дарсни ўзлаштирмоқ учун
бўлгай ақлу заковат,
Сендаги ул шукроналик ҳамда сабру қаноат.

Маҳкам тутсанг улар кўлин,
ҳеч замон кам бўлмассан,
Қадди-бастингни рост тутиб,
ҳеч қачон букилмассан.
Жамбул, райҳон, атиргуллар
ифорлари таралган
Чаман бўлиб яшнаб тургунг,
хазон бўлиб сўлмассан.

Мақсадларинг, эй азизим,
бўлсин интилган тоғинг,
Синоатлар — йўлчи юлдуз
сенга адашган чоғинг.

ЭРКАКНИ КИЙНАМАНГ

*Бойликка муккасидан
кетган баъзи аёлларга*

Эркакни қийнаманг, азиз аёллар,
Тоғдек қад букилса, яйрарму кўзлар?
Азоблардан тутдек тўкилса шўрлик,
"Суюнган тоғим" деб сайрарму сўзлар?

Эркакни қийнаманг, азиз аёллар,
"Дуёни оёғим остига қўй" деб.
Тоғиб келганига шукрона айтинг,
Нафс бўриси кетмай этингизни еб.

"Тоғни ағдар" деса, тоғ ағдарар у,
 Ёвга кўксин тутар мардона бўлиб.
 Яшар оғир ишни олиб зиммага,
 Гўё тошлар ичра дурдона бўлиб.

Эркакни қийнаманг, азиз аёллар,
Унинг азоблари сизга ҳам азоб.
Фурур кошонасин хароб айламанг,
Сизга ҳам учрамас ўғрию қаззоб.

Конида бор унинг оила боқмоқ,
Жавобгарлик ҳисси ҳар вақт йўлдоши.
Арқон ҳам узилар таранг тортсангиз,
Бевақт сўнмасин ҳеч умр қуёши.

Фарзандга ота у, сиз-чун суйган ёр,
Шунчалик яхшилик қадрига етинг.
Оилам, болам деб жонин тиккан у,
Бошини силанг-гу, ҳақ йўлдан кетинг.

ФАМЛАР, КЕЛМАНГ ЯҚИН, МЕН ЭНДИ БОШҚА

Ҳаётда минг ўлиб, минг бор тирилдим,
Баъзан кўнгли ярим, баъзан - тўқ бўлдим.
Шукр, кеч бўлса ҳам, ҳақ йўлни билдим,
Фамлар, келманг яқин, мен энди бошқа.

Онлар ўтди, бири бирин қувлашиб,
Гоҳи-гоҳи сизга қўлин ташлашиб,
Доғда қолдингиз-ку, бахт-ла беллашиб,
Фамлар, келманг яқин, мен энди бошқа.

Сиз-ла сирдош бўлиб, руҳим тирналди,
Танамда ширин жон ёмон кийналди,
Қонларим сўрилиб, борим хўрланди,
Фамлар, келманг яқин, мен энди бошқа.

Кўз очиб, тириклик лаззатин тотдим,
Ўзимни қувончлар бағрига отдим,
Уларда ажиб бир оламлар топдим,
Ғамлар, келманг яқин, мен энди бошқа.

Сиз юрган йўллардан асло юрмасман,
Сизга мен ҳеч қачон сафдош бўлмасман,
Қўлингизга азиз бошим бермасман,
Ғамлар, келманг яқин, мен энди бошқа.

Менда дўстлар бисёр сиздан ўзгача,
Шукроналиклардан то шодликкача,
Улар-ла дилдошман тонгдан шомгача,
Ғамлар, келманг яқин, мен энди бошқа.

Ҳақ дўстларим менга қанот бахш этди,
Кўкларга кўтариб, нажот бахш этди,
Кўнглимга гулшани обод нақш этди,
Келманг яқин, ғамлар, бу Гули бошқа,
Ғам-ғўссалар, келманг, мен энди бошқа.

СИНФДОШ

Синфдошларим, сизни эслаб,
Бугун узоқ хаёл сурдим.
Болаликнинг нурга тўла
Кўркам кўчасида юрдим.

Хар бирингиз кўз олдимдан
Бир-бир жилмайиб ўтдингиз.
‘Бизга атаб шеър бит’ дея,
Кўлимга қалам тутдингиз.

Шеър-ку битилмай қолмайди,
Лек битга шеър сиз учун кам.
Ахир болалик ўйлари
Сиғарму минг бир шеърга ҳам.

Сиз-чун сўз уммонидан ман
Сўз излаб, хайрона қолдим.
Сизни таърифлашга ожиз
Уммондаги дуру олтин.

Уммонни кўйиб турайлик,
Келинг, сиз ила яхшиси —
Синфдошдан сўз очайлик,
Бир дунё-ку хар бириси.

Гулноралар иккитайди,
Бириси менга партадош.
Иккинчиси сўз қотса гар,
Думаларди қарию ёш.

Партадошим бир аломат,
Ундайи бошқа топилмас.
Дарсдан чиқиб у юрарди
Биз томонга, уйга эмас.

Олам унут бўлар эди,
Агар ерга тиз чўксак биз.
Бизнинг оламда яйрашиб,
Сухбат қурарди икки қиз.

Вақт биз учун тўхтар эди,
Эсламасдик уни сира.
Вақтнинг ўтиб кетганини
Эслатарди ғира-шира.

Шукр, бизда қизлар сероб,
Азизаю ҳам Барнолар,
Бир-биридан гўзал улар,
Махсудаю ҳам Раънолар.

Барчасининг кўнгли очик,
Дилда йўқ яширин сири.
Меҳри қуёш, ҳам ақли,
Сўзга чечандир ҳар бири.

Номларин айтмаёқ кўяй,
Бор эди-ку шумтакалар.
Ручкаларни шипга отиб,
Тамошо қилар акалар.

Абдурасул, Камариддин,
Аминжону, Неъматилло,
Хамид яна Абдужаббор,
Ҳар биттаси зару тилло.

Эй оташқалб синфдошлар,
Аллоҳ сиздан рози бўлсин.
Меҳр тўла қалбларингиз
Шодлигу қувончга тўлсин.

Хар бирингиз жонимдасиз,
Завқ оламан сизни эслаб.
Сиз ҳам "Тули бор эди" деб,
Туринг ҳар дам бизни эслаб.

Хаётда кўп дўст ортгирдим,
Хар биттаси кўз ёки қош.
Лек дўст қанча кўп бўлмасин,
Бошқачасиз-да, синфдош.

ҚЎЛНИ ТАШЛА, ДЎСТГИНАМ

Қўлни ташла, эй дўстгинам,
Бирликда куч-қувват бор.
Айрилганни айик еркан,
Бирлашганга Аллоҳ ёр.

Киёматлик дўст бўлишга
Аҳду паймон қилайлик.
Хак берган аклни чархлаб,
Аслимизни билайлик.

Адолату ҳақиқатлар
Бўлсин-да туғларимиз.
Шукроналик чаманида
Яйрасин руҳларимиз.

Покизалик қаноти-ла
Осмонларга учайлик.
Муҳаббатнинг қўллари-ла
Оламларни қучайлик.

Мардликни биз дўст тутайлик,
У-ла баланд бошимиз.
Сахийликдек қўли очик
Бордир чин қардошимиз.

Қардошлар-ла боғ яратсак,
Боғлар ҳосил беражак.
Ҳосиллардан ҳосилларга
Тўлгай ёруғ келажак.

Бирга-бирга қадам ташлаб,
Зулматлардан кетайлик.
Довонлардан ошайлик-да,
Манзилларга етайлик.

Манзилимиз чироклари
Ёритсин башар йўлин.
Мисли нурлар таратувчи
Тунда кўкда ой тўлин.

Авлодлар бизни ёд этсин,
Ўчмасин ҳеч изимиз.
То абадга чарақласин,
Сўнмасин юлдузимиз.

Аллоҳ бизни ёрлақайди,
Ундан мадад сўрайлик.
Нафақат юлдуз, ой, қуёш
Бўлиб порлаб турайлик.

ИЛМ

Тор йўлинг кенг, равон қилғуси илм,
Тор кўнглинг кенг жаҳон қилғуси илм,
Мушкулларинг осон қилғуси илм,
Оқибат сани шод қилғуси илм.

Кўзингта нур, қалбингта шуур - илм,
Қўлларингта ҳеч туганмас дур - илм,
Қўш қанот бағишлар, айлар ҳур илм,
Кишанлардан озод қилғуси илм.

Беминнат хизматга ўзни шайлагай,
Кўнгил кўчаларин обод айлагай,
Ғафлат қушандасин янчиб тайлагай,
Нафсдек ёвни барбод қилғуси илм.

У бор жойда зулматларга жой йўқдир,
Кўрликка унингдек ўку ёй йўқдир,
Илмли кишидан кўркам, бой йўқдир,
Элга уни нажот қилғуси илм.

Тажрибадан довон ошар отдир у,
Манзилга элтишдан сани шоддир у,
Дангасага тутқич бермас, ётдир у,
Ўзига уни мот қилғуси илм.

Илму ҳикмат Соҳибидан сўрайлик,
Имтиҳон дунёда оқил бўлайлик,
Илми ила жомлар мисол тўлайлик,
Дунёларни обод қилғуси илм.

КҮНГИЛГИНАМ, СЕН ДУШМАННИ ДУШМАН ДЕМА

Кўнгилгинам, сен душманни душман дема,
Оста лойи бўлмаган шўх сойни кўргин.
Дўстлар билан доим кўнгли хушман дема,
Тинч оқар сув остидаги лойни кўргин.

Баъзан билолмай қоласан, кимдир азиз,
Не қадрли сенинг учун, гулми, тикан?
Гулни гул деймиз-ку, албат, аммо лекин
Тиканда ҳам шифобахшлик бисёр экан.

Нуксонингта душман тутган кўзгуда мен
Зулмат қаърин ёриб чиққан ойни кўрдим.
Юзинг, кўзинг демай қилган танқидида
Нуксон сари йўналган ўк-ёйни кўрдим.

Э воҳ, кўзи кўр экан-да ҳиссиётнинг,
Дўст кўзига баъзан хатонг илинмайди.
Агар қусуринг улар ҳам фош қилсалар,
Керакли юк оғирлиги билинмайди.

Кўнгилгинам, сен душманни душман дема,
Остда лойи бўлмаган шўх сойни кўргин.
Дўстлар билан доим кўнгли хушман дема,
Тинч оқар сув остидаги лойни кўргин.

ОРЗУ ҚУШИ

Хаёт бошдан-оёқ синовдир, дўстим,
Унинг кўчалари, сўқмоқлари кўп.
Яхшига яхшилиқ тўхфа айлайди,
Адашганга эса тўқмоқлари кўп.

У биз учун гўё бир жанг майдони,
Нафс, ғафлат, ҳасаддек рақиблар бисёр.
Иймон тиғи ила улар гарду гард,
Хушёрлик зарбидан барчаси тор-мор.

Шиоридир унинг адолат мудом,
 Гувоҳ эрур бунга ўнгу тушларинг.
 Лек бошдан-оёқ у азобдир азоб,
 Гар қанот қоқмаса орзу қушларинг.

Орзунинг қушига ҳамиша, ҳар вақт
 Ишонч ва ҳаракат эрурдир қанот.
 Баланд парвозига қувватдир мудом
 Довюраклик ҳамда матонат-сабот.

Ул қуш йўлларида минг бир чиғирик,
 Минг битта тузоққа дуч келиши бор.
 Ақл пешалиги бўлсин қушга бахт,
 Бахт ёр бўлса, ўшал тузоқлар не кор?!

Қанот қоқаверсин орзулар қуши
 Довонлардан оша, манзиллар оша.
 Кўкларга юксалиб, нурга айланиб
 Башар осмонида қолсин ҳамиша.

ҲАЗРАТИ ИНСОН

Инсонда ҳар турли ҳайвонлар яшар.

Жалолиддин Румий

Инсонда ҳар турли ҳайвонлар яшар,
 Бири тулки бўлса, бири сичқондир.
 Тулки ҳийла қилса, сичқон қоп тешар,
 Алар сабаб бўлиб ким бағри қондир.

Ёмонлик уруғи сочилган жойда
Яхшилик дарахти қайдан унади.
Фаросатсиз ҳайвон учун ин бўлган
Тутаб-тутаб, бора-бора сўнади.

Ха, гап фаросатда экан, биродар,
Фаросат бўлмаса, инсонлик нетар?
Сен уни ўзингга қўрғон айласанг,
Ҳайвонлар ҳам ин-инларига кетар.

Бизда ҳайвон эмас, инсон яшасин,
"Ерда халифа" дек номимиз бордир.
Инсонлик бурчини оклай олмаслик
Ўзни таниганга номусу ордир.

Яшайлик борлиқни қилиб нурафшон,
Хар он, хар дақиқа биз учун имкон.
Яна минг йилдан сўнг одамлар десин
"Яшаб ўтган ерда шундайин инсон".

Ерга келиб кетган қанча даҳолар,
Олам ёруғ улар латиф аслидан.
Улар сўнмас юлдуз, ботмас қуёш, ой,
Чун бари ҳазрати инсон наслидан.

Улар каторида бизнинг боболар,
Хаётлари мангу, кетмаган беиз.
Нурларга айланган қанча момолар,
Асрлар ул нурни тўсмоққа ожиз.

Бутун ҳар соҳада чўққилардамиз
Компьютердек парвозлар қанотидан.
Компьютер ишлолмас алгоритмсиз,
"Алгоритм" Ал-Хоразмий отидан.

Самарқандда туриб Улуғбек султон
Юлдузлар илмини ўрганди чунон.
Султон тузган жадвал аниқлигига
Жаҳон олимлари лолдир, лол бу он.

Қувиб касалликдек ёвузни бардам,
Ибн Сино бобом қўлга олди шам.
Тутунлар ечилди, "Ё Ҳақ" деганда,
Дард қолмади, топди барига малҳам.

Оби ҳаёт бўлиб элларга мангу
Оқди Увайсий ҳам Нодирабегим.
Навоий, Яссавий, Бобур ҳам Машраб,
Буларнинг барчаси асл ўзбегим.

Уларга лойиқ бир фарзанд бўлайлик,
Бизлардан ҳам қолсин сўлмас бир бўстон.
Ҳаётимиз ўқи тегса нишонга,
Муродга етибмиз, ҳазрати инсон.

Гулининг сўзларин насиҳат дема,
Дилида борини шеърга тўқар у.
Унинг тилаклари ҳар қачон эзгу,
Инсонда Инсонни кўрмоқ истар у.

АЙБДОР ИЗЛАМА

Армонларинг бора-бора мўл бўлса,
Кўзларингдан окқан ёшинг кўл бўлса,
Қадаминг етган ер боғмас, чўл бўлса,
Айбдор изласанг гар, бу ишинг бекор.

Хар қандай вазият - оқибат, сўрсанг,
Оқибатни сабаб чорлагай, кўрсанг,
Оқил уни излар ўзидан, билсанг,
Айбдор йўқ, сен уни ахтарма зинҳор.

Билганинг савобмас, гуноҳлар бўлса,
Аччикликка фикринг ҳам зикринг тўлса,
"Кўрганларинг" улар сабаб дарс ўлса,
Кеч улардан, бўлмай азоблар такрор.

Қайтар дунёдир бу, гар билгинг келса,
Бўғдойни эк аввал, гар ўргинг келса,
Оқибатда ўзни шод кўргинг келса,
Ғафлат кўчасида юрмагин зинҳор.

Ҳақгўй, саховатли, камтарин бўлсанг,
Кунларинг чароғон, аё дўст, билсанг,
Ҳаққа тавба қилиб, пок ният қилсанг,
Қилган ниятларинг сенга доим ёр.

ЧУЧМОМА

Сени кўрсам, қалбим тошар, чучмома,
Кўз қувониб, ақлим шошар, чучмома,
Кўрган сари завқим ошар, чучмома,
Чучмома, мен сенга ўхшагим келар.

Хай-хай, бунчалар ҳам нозик эурсан,
Рухларга сен бир хуш озик эурсан,
Диллар қўшиқларин сози эурсан,
Чучмома, мен сенга ўхшагим келар.

Атрингни қизғанмай сочасан ҳар ён,
Ифорлардан кўнгиллар бўлур гирён,
Сен бир ёндасану, кўнгиллар бир ён,
Чучмома, мен сенга ўхшагим келар.

Шунча ҳам қудратлисан, кичикойим,
Жозибанг тош қалбни қилур мулойим,
Мен излаган бўстон сенсан, гулойим,
Чучмома, мен сенга ўхшагим келар.

Япроғингга тушмиш шудринг бир дона,
Ажиб чиройингдан бўлиб мастона,
Минг хил тусда товланар ёна-ёна,
Чучмома, мен сенга ўхшагим келар.

Ел шивирлаб сен-ла ўйнар бахтиёр,
Болари пешонанг ўпади минг бор,
Дейман: "Бу не мўъжиза?" - такрор-такрор,
Чучмома, мен сенга ўхшагим келар.

Беҳуда ўтмасин-да менинг умрим,
Топмоқни истагайман ҳақ манзилим,
Чучмомадек бўлгум келади, Тангрим,
Чучмома, мен сенга ўхшагим келар.

Гулини, хурлиқо, беип бойлабсан,
Жилваларинг юрагига жойлабсан,
Ёруғлик сари имлаб, "той-тойлабсан",
Чучмома, мен сенга ўхшагим келар.

ДЕҲҚОН БОБО

Деҳқон бобо, дон сепибсан,
Дондан донлар битсин, деб.
Далангта меҳринг берибсан,
Элга ризқ-рўз етсин, деб.

Кўкда қуёш тиним билмас,
Ерда сенсан чархпалак.
Шомни саҳарга улайсан,
"Далам" деб, жонинг ҳалак.

Кут-баракалар тилайсан,
Кўлинг очиб дуога.
Хурсандчилик етсин, дейсан
Ҳам шоҳу, ҳам гадога.


Дастурхонлар беагининг
Сабабчиси бўл, бобо.
Дилларга қувонч улашиб,
Қувончларга тўл, бобо.

Элга сахий дўст бўлибсан,
Сахийликни кўр, бобо.
Машаққатингнинг кетидан
Давру даврон сур, бобо.

Донингдан хирмонлар тўлсин,
Сен дуога тўл, бобо.
Дунё тургунча саломат
Ҳам ардоқли бўл, бобо.

МҶУМЛАНА

<i>Г. Мирзаева. Қалб</i>		<i>О фикрларим</i>	38
даъвати	3	Аслингни топ	39
Кел, дўстим, ислоҳни		Онажон	41
ўздан бошлайлик	6	Баҳор	42
Минг бор шукр	8	Ёр келаётир	44
Тушунча	9	Ватаним менинг	45
Фикрларим	10	Яширин душман	48
Яхшилик	12	Йўллар	49
Жисмим	13	Сабаб — бизлармиз	50
Кўнглимнинг		Эй нолиб яшашни	
чорбоғлари	16	касб қилган инсон	51
Дўстимга	17	Дилгинам	52
Илминг асрама	19	Эркакни қийнаманг ..	54
Сени излаб	20	Ғамлар, келманг яқин,	
Кўнглим дарчасидан		мен энди бошқа	55
бир овоз келди	22	Синфдош	56
Бахт манзиллари	24	Қўлни ташла,	
Бўлмаса	25	дўстгинам	59
Муаллим	26	Илм	61
Одам борки... ..	27	Кўнглигинам,	
Очиқ кўзлар ила		сен душманни	
яшаб ўтайлик	28	душман дема	62
Илтижо	30	Орзу қуши	63
Бобожон	32	Ҳазрати инсон	64
Бахтим менинг	33	Айбдор излама	67
Нолима	34	Чучмома	68
Ўтмишинг хаёлда		Деҳқон бобо	69
қайта яшаб ўт	35		



Адабий-бадний нашр

Ули Сайфуллаева

ЧОРЛОВ

ш е ʼ р л а р

Ўзбек тилида

Тошкент – «Turon-Zamin-Ziyo» – 2013

Муҳаррир: Баҳром Рўзимуҳаммад
Мусахҳиҳ: Зиёдахон Мамадалиева
Саҳифаловчи: Улугбек Саидов

Лицензия: АI №171. 11.06.2010 й.

Босишга рухсат этилди 11.04.2013 й. Бичими 70х90 1/32.

«Times Uz» гарнитураси. Шартли босма табоғи 2.25.

Адади 1000 нуска. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №14

«TURON-ZAMIN-ZIYO» нашриёти.

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй; Телефон: 244-01-21.

«Irak-Yo'li Poligraf» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.